

2-1-2020

STRATEGIC MANAGEMENT ACCOUNTING AND METHODOLOGICAL BASIS FOR ORGANIZATION

U. Kostaev

Navoi MMC state enterprise

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Kostaev, U. (2020) "STRATEGIC MANAGEMENT ACCOUNTING AND METHODOLOGICAL BASIS FOR ORGANIZATION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 22.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мақолада стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш бўйича ягона терминологик асосни таъминлаш мақсадида “стратегик бошқарув ҳисоби” тушунчасини талқин қилишга бўлган турли илмий мактаблар қарашлари умумлаштирилган, мавжуд ёндашувлар таҳлил қилинган. Стратегик бошқарув ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида унинг бошқа ҳисоб шаклларида фарқли хусусиятлар ёритилган, унга таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш илмий жиҳатдан асосланган.

Таянч сўз ва иборалар: стратегик бошқарув ҳисоби тамойиллари, бухгалтерия ҳисоби турлари, солиқ ҳисоби, бошқарув қарорлари қабул қилиш, стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш босқичлари, маълумотлар манбаи, прогнозлаштириш ва бюджетлаштириш.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ СТРАТЕГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА

В статье обобщены существующие подходы различных научных школ для интерпретации понятия «стратегический управленческий учет», чтобы обеспечить единую терминологическую основу для организации стратегического управленческого учета. Для повышения эффективности использования данных стратегического управленческого учета были выделены его отличительные особенности от других форм учета, а также научно основаны учет и анализ факторов, влияющих на его организацию.

Ключевые слова: принципы стратегического управления, виды бухгалтерского учета, налоговый учет, принятие управленческих решений, этапы организации стратегического управленческого учета, источники информации, прогнозирование и бюджетирование.

STRATEGIC MANAGEMENT ACCOUNTING AND METHODOLOGICAL BASIS FOR ORGANIZATION

The article summarizes the existing approaches of various scientific schools to interpret the notion of “strategic management” in order to provide a unified terminological basis for strategic accounting. In order to increase the effectiveness of the use of strategic management accounting data, features of its different forms of accounting have been highlighted, and the factors influencing it are scientifically based on accounting and analysis.

Key words: strategic management accounting principles, types of accounting, tax accounting, management decisions, stages of strategic management accounting, data sources, forecasting and budgeting.

КИРИШ

Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ходимларини қарорлар қабул қилиш учун ахборот манбаи, яъни маълумотлар билан таъминлаш ҳисоб-таҳлил тизими (ХТТ) воситасида амалга оширилади. Шу сабабли мазкур тизимнинг такомиллашуви янги прогрессив ҳисоб турларидан фойдаланиш натижага эришиши асосий шарт. Замонавий шароитда стратегик бошқарув ҳисоби ана шундай муҳим вазифани бажарувчи восита сифатида намоён бўлади.

Ҳисобнинг ушбу тури бухгалтерия ҳисобининг эволюцияси, яъни молиявий бухгалтерия ҳисобига хос бўлган камчиликларни енгиб ўтиш натижасида ҳосил бўлган. Бундай камчиликлар қаторига маълумот шаклланишининг паст релевантлиги, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг тарихий тавсифи, активлар ва мажбуриятларни баҳолашда турли концепцияларнинг ишлатилиши ҳамда, натижа сифатида, маълумотларнинг мос келмаслиги, ташқи маълумотларнинг инобатга олинмаслиги киритиш мумкин. Замонавий шароит ХТТ доирасида нафақат молиявий-хўжалик фаолият натижалари тўғрисидаги, балки мавжуд барча маълумотлар, омилар, фикр-мулоҳазалардан фойдаланиш асосида бюджетлаштириш ва режалаштириш тизимининг вужудга келишини талаб этувчи, прогноз қилувчи маълумотларнинг ҳам шаклланиши заруратини талаб этади. ХТТ доирасида менежерларнинг ахборот талабига мос келадиган оператив, тактик ва стратегик маълумотни шакллантириш имкониятини берадиган бошқарувнинг ҳисоб-таҳлил таъминоти шаклланиши зарур. Стратегик бошқарув ҳисоби ушбу масаланинг худди ана ечимига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мазкур илмий тадқиқот доирасида стратегик бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъектнинг ХТТдаги ўрнини белгилаш, моҳиятини тушуниш ва унинг бошқа ҳисоб турлари билан мумкин бўлган ўзаро таъсирини белгилаб беришга ҳаракат қилинди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, даставвал ягона терминологик асосни таъминлаш мақсадида “стратегик бошқарув ҳисоби” тушунчасини талқин қилишга бўлган турли ёндашувларга аҳамият бериш лозим. Чет элда стратегик бошқарув ҳисоби услубини такомиллаштириш масалалари билан Бошқарув ҳисоби бўйича мутахассислар ижтимоий (эксперт) институти (Certified Institute of Management Accountants, CIMA) шуғулланади [1].

К.Друри стратегик бошқарув ҳисобини бошқарув ҳисобининг истиқболли йўналиши ва ҳисобнинг ушбу турини истиқболда такомиллаштириш воситаси сифатида талқин қилади [2].

Стратегик бошқарув ҳисоби фанининг предмети борасида С.П.Суворова куйидаги хулосани алоҳида таъкидлайди – “назорат, таҳлил, режалаштириш, прогноз қилиш, раҳбарият ва бошқарув талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб маълумотлари умумлашув тизимида акс этган, ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва натижаларни баҳолаш босқичида асосланган сифатли ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш-хўжалик фаолият жараёнлари моҳияти” [3].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР


Ҳозирги пайтда стратегик ҳисоб ҳақида мажмуавий характерга эга бўлган ва илмий ҳамда амалий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган мустақил илмий йўналиш шаклланган. Шунинг учун у борасида, яъни стратегик ҳисоб тўғрисида мулоҳаза юритилаётганда - уни мустақил ҳисоб шакли сифатида эътироф этиш мумкин. Шубҳасиз, стратегик ҳисоб стратегик бошқарув ҳисобига қараганда анча кенг тушунчадир.

Эътироф этиш керакки, молиявий ҳисоб хўжалик юритувчи субъектларда замонавий ҳисоб-таҳлил тизимининг ядроси бўлиб хизмат қилади.

Амалдаги қонунчилик талабларига кўра хўжалик юритувчи субъектлар солиқ ҳамда турли хил мажбурий тўловларни тўғри ва ўз вақтида тўлашга мажбур. Ана шу мақсадда ХТТ доирасида турли моделлар асосида ташкил қилинадиган солиқ ҳисоби ишлатилади.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида эса ХТТда унинг мумкин бўлган тузилма вариантларидан бири бўйича ташкил қилинган бошқарув ҳисобидан фойдаланилади.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб эътироф этиш мумкинки, молиявий, солиқ, бошқарув ҳисоблари стратегик ҳисобнинг услубий ҳамда амалий асосини ташкил қилади (1-расм) [4].



1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-таҳлил тизими доирасида қабул қилинадиган ҳисоб турлари

Муаллиф ишланмаси.

Стратегик ҳисоб ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилаётган вақтда унинг моҳиятини кенг ва тор маънода талқин қилиш мумкин. Тор маънода ёндашилганда стратегик ҳисоб стратегикмолиявий, стратегик солиқ ҳамда стратегик бошқарув ҳисобларини ўз ичига олиши эътироф этилади. Худди мана шундай нуқтаи-назарни Л.О.Ивашиненко, А.Н.Щемелев, И.Н.Богатаялар ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, ҳисобнинг ушбу тури молиявий, солиқ ва бошқарув ҳисобларидан мустақил бўлмасдан, улар билан ўзаро узвий боғлиқлигини тан олиш керак.

Биз Н.И.Пономареванинг стратегик ҳисобни “хўжалик юритувчи субъектларда турли фойдаланувчиларнинг маълумотларга бўлган талаблари билан ХТТга киритиладиган ахборотларни шакллантирувчи ҳисоб турларининг

ўзаро таъсирини боғлайдиган услуб ва услубиётга тизимли ва комплекс ёндашишни таъминлайдиган ҳисоб концепцияси” сифатида талқин қилиш фикрига тўлалигича қўшиламыз [5].

Мазкур фикр стратегик ҳисобни кенг маънода кўриб чиқади ва нафақат унинг стратегик молиявий, стратегик бошқарув, стратегик солиқ ҳисоблари каби таркибий қисмларини балки, ХТТ асосини, яъни молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, стратегик бошқарув ҳисобини:

1. Стратегик ҳисобнинг бир таркибий қисми сифатида;
2. Бошқарув ҳисобининг асоси бўлган ҳисоб тури сифатида кўриш мумкин.

Шунга эътибор бериш керакки, анъанавий ҳисоб концепцияларидан ташқари стратегик бошқарув ҳисоби стратегик менежмент услубиётини кенг қўллайди. Замонавий олимларнинг аксарият қисми стратегик бошқарув ҳисобининг фарқли белгиси макромухит ташқи омилларига қаратилганлиги ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Масалан, Кит Уорд стратегик бошқарув ҳисобида ташқи омилларни биринчи даражага чиқариш заруратини таъкидлайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда унинг асосий тамойилларига таяниш зарур. Бугунги кунда ушбу тамойиллар шаклланиш босқичида эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатадики, стратегик бошқарув ҳисоби тамойиллари - молиявий, бошқарув, солиқ ҳисобларининг анъанавий тамойилларига асосланади.

Стратегик бошқарув ҳисоби объектлари хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес стратегияси ва менежерларнинг ахборот талаблари орқали аниқланади. Стратегик бошқарув ҳисоби объекти бўлиб: харажатлар, молиявий натижалар, инсон ресурслари, инновациялар, пул оқимлари, хусусий мулк (актив)лар ва шу каби ҳисобланади.

Стратегик бошқарув ҳисобида ҳам молиявий ҳисоб, ҳам бошқарув ҳисоби услуби элементлари, шунингдек услубининг специфик элементлари ҳам ишлатилиши мумкин. Мана шу борада Л.О.Ивашиненко стратегик бошқарув ҳисоби услубининг 9 элементини: стратегик режалаштириш, стратегик таҳлил, ишлаб чиқариш баланс ҳисоботлари ва стратегик ҳисоботнинг бошқа кўринишлари, стратегик позицияланиш, сегментация ва рақобат муҳитининг тизимли таҳлили, стратегик аудит, прогнозлаштириш, баҳолаш занжири таҳлилинини ажратиб кўрсатади.

Н.Н. Ильшева ва Л.В.Юрjewалар стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш борасида қуйида тавсифлари келтирилган умумий ва хусусий ёндашувларни ажратиб беради (1-жадвал).

**Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этиш борасидаги
мавжуд ёндашувлар**

Ёндашувлар Йўналиши	Ёндашув моҳияти
<i>Умумий ёндашувлар</i>	
Тизимли	Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш стратегик бошқарув ва бошқарув ҳисоби тизими, элементи кўринишида кўрилмоқда, ўз навбатида, ушбу тизим бошқа юқори даражадаги назорат тизимининг бир қисми бўлиши мумкин, масалан, холдингни бошқариш тизими.
Мажмуавий	Стратегик бошқарув ҳисоби барча турдаги маълумотлардан мажмуавий ҳолда фойдаланадиган молиявий-хўжалик фаолиятининг бир қисми сифатида кўрилади.
Компьютерлашган	Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишда замонавий компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб борилиши.
<i>Шахсий ёндашувлар</i>	
Интеграцияли	Ҳам вертикал ҳам горизонтал кўринишдаги ўзаро иқтисодий муносабатлар мутаносиблигини таъминлайди.
Вазиятли	Муайян вазиятларга эътибор бериш имконини беради.
Динамикли	Стратегик бошқарув ҳисоби воқеаларни ҳамда жараёнларни диалектик ривожланишида, сабаб ва натижа муносабатларида ва бўйсиниш кўринишида кўриб чиқади.
Махсус	Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш, хўжалик юритувчи субъектларда мос равишда бошқарув ҳисоби тизимини ишлаб чиқишини ўз ичига олади.

Муаллиф томонидан тузилган.

Стратегик бошқарувда юқоридаги ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда бошқарув ҳисоби тизимида ички муҳит омилларини ҳисобга олиш технологиялари билан боғлиқ масалалар етарлича ишлаб чиқилмаган. Бу мақсадлар учун стратегик таҳлил услублари (масалан PEST-таҳлили) қўлланилиши, тижорат хўжалик юритувчи субъектига тегишли бўлган аниқ йўналиш ривожланиши ҳақидаги статистик ахборотлар ҳамда стратегик прогнозлардан фойдаланиш мумкин.

Стратегик бошқарув ҳисобининг фарқли хусусияти унинг микромуҳит ва макромуҳит ташқи омилларига қаратилганлиги сабабли ушбу омиллар ҳақидаги маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларда махсус ташкил этилган мониторинг тизимида шаклланиши лозим. Мониторинг тизимини шакллантириш ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган сон ва сифат мезонларини жорий этиш Корпоратив бошқарув Кодексининг 22-моддасига мувофиқ айнан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқаруви ва ушбу тизим, яъни стратегик бошқарув ҳисоби зиммасига юклатилган [6]. Бизнинг фикримизча, мониторинг тизимидаги омиллар классификациясини макромуҳит

(сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик, ҳуқуқий, экологик, демографик, жисмоний ва маданий) омиллари, микромуҳит (тармоқлар ёки фаолият йўналишлари бўйича, баҳо, рақобат даражаси, хусусан яқуний истеъмолчи билан боғланган рақобат омиллари бўйича ва шу кабилар) омиллари, аниқ хўжалик юритувчи субъекти даражасида намоён бўладиган ички муҳит омиллари ажралишини таҳмин қилувчи стратегик менежментда қабул қилинган услуб асосида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, мониторинг тизимида шаклландиган ана шу ички ва ташқи омиллар тўғрисидаги кўрсаткичлар таркиби хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади.

Стратегик бошқарув ҳисоби – бу бошқарув ҳисобининг энди ривожланаётган соҳаси бўлганлиги сабабли олимларнинг қарама-қарши ёндошувлари ва таърифларига эга бўлишига қарамай стратегик қарорларнинг хўжалик юритувчи субъект фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши сабабли истиқболли йўналиш ҳисобланади. Стратегик – бу ташқи муҳитнинг таъсири туфайли сезиларли ноаниқликларга эга хўжалик юритувчи субъектнинг истиқболдаги мақсадига эришиши йўлида ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга ҳал қилувчи қарорлардир. Уларни қабул қилиш катта маъсулиятни талаб қилади, чунки бу жараён катта миқдордаги ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлиб, хўжалик юритувчи субъект учун узоқ муддатли жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли мазкур қарорларни қабул қилиш учун махсус ахборот таъминоти зарур. Бошқарув ҳисоби маълумотларининг асосий истеъмолчи ҳисобланган бошқарувдан орқада қолиши бошқарув ҳисоб тизимида стратегик йўналиш ривожланишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Narisa Tianjing Dai, Clinton Free, Yves Gendron. Interview-based research in accounting 2000–2014: Informal norms, translation and vibrancy. //Management Accounting Research 42 (2019) 26–38.

2. Друри К. Введение в управленческий и производственный учет: Пер. с англ. Под ред. Н.Д.Эриашвили. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1998. - 783с.

3. Суворова С.П. Формирование стратегического управленческого учета на промышленных предприятиях. Автореферат дисс...док.экон.наук., 2007.

4. Пардаев А.Х., Пардаева З.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 556 б.

5. Пономарева Н.И. Особенности формирования учетно-аналитической системы в строительных организациях //Успехи современного естествознания. – 2008. – № 7. – С. 72-75.

6. Корпоратив бошқарув Кодекси //”Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 11 март, № 49 (6484), 2-3 бетларда.